

Ирода ШОЙМАРДОНОВА


СИРДОШИМ – БАҲОР

Қарши
«Насаф» нашриёти
2006

84(54)6-5 Ўзб. бад, 2д2бие"ти.
Шеърлар

Ёш қаламкаш Ирода Шоймардонованинг
мазкур мўъжазгина китобига киритилган шеърлар
шоира кўнглининг самимийлиги, туйғуларининг
табиийлиги, ҳиссиётларининг ранг-баранглиги
билан эътиборга лойиқ. Уйлаймизки, у сизни
бефарқ қолдирмайди.

Ю 32313
0



Ш 4706620202-9 9-2006
376(02) 2006

И.Шоймардонова, 2006 й.

ISBN 5-7323-0509-3

ИНСОН

Қалбимни қийнайди биргина савол,
Нега бир-бирини тушунмас инсон.
Қанчалар бўлсанг-да меҳрли унга,
Шунча берадилар юракка озор.

Эй, фалак гардишин сурган наволар,
Айтинг, нима ахир етмас инсонга?
Ўткинчи бойлигу омонат мансаб,
Наҳот тенг келолса виждон, имонга.

Кўкдаги юлдузлар, сўйлангиз менга,
Бас, етар, дунёга солмангиз ҳеч жар.
Улуғбек тушганди қандайин ҳолга,
Ўз ўғли урганда кўксига ханжар.

Бурчақда ҳасад-ла боққан гийбатчи,
Яхшини ёмонга йўйасиз нечун?
Пашшадан фил ясар ағёр тухматчи,
Нечун яралдингиз, яшаш не учун?

Яхшига доимо яшаш қийинроқ,
Яхшилар ниятин йўқдир ёмони.
Билингки, шунинг-чун йўлларимиз оқ,
Ахир яхши ушлаб турар дунёни.



СИРДОШИМ – БАҲОР

Деразам тагида шитирлар шамол,
Боққан кўзларимдан сочилар хаёл.
Юзимни эркалаб куз шаббодаси,
Акс этар ойнада томчилар изи.

Маъюс термулади менга олтин куз,
Хабар келтиргандек изғирин қишдан.
Нозик ва маъсума кўринганидан
Ёмғирга айланиб улашади сўз.

Мана, қиш ҳам келди қанотин ёзиб,
Сочиб ҳамма ёққа оппоқ патларни.
Дарахтлар жимгина хаёлга чўмиб,
Қумсайди баҳорнинг мактубларини.

Баҳорим, сенингсиз жоним бир тилим,
Кўзим қидиради яшиллик изин.
Сени кутмоқликдан қийналар дилим,
Овунчим, сирдошим ёлғиз сен ўзинг.





ХАЁТ

Меҳр билан боқсин ҳаётга ҳамма,
Мангу дўст бўлиб яшасин иноқ.
Нима керак жанжал ва ёвузликлар,
Ўткинчи ҳаётда бунча кўп сўроқ.

Обрў орттирайлик эл ичида ҳам,
Ўғирлик қилмасдан соф меҳнат билан.
Тинч яшаб, меҳримиз кўрайлик баҳам,
Ширин сўзларимиз тушмасин тилдан.



УНУТМА

Бувимнинг менга айтган сўзлари

Ёдингда тутгил мени,
Ҳаёт қийин кечганда.
Ёдингда тутгил мени,
Қувончли дамларингда.

Ёдингда тутгил мени,
Майин шамол эсганда.
Ёдингда тутгил мени,
Яна баҳор келганда.

Мен тарк этдим ҳаётни,
Лекин қалбим сен билан.
Сен ҳамон кутма мени,
Мен ҳамиша сен билан.

Йиглама менсиз қолиб,
Менинг изларимдан бор.
Ҳаётда бўлгин қолиб,
Менинг изларимдан бор.

Бахтни ўйла, кулфатни,
Қувонч – кўзингга мадор.
Туғ қилиб муҳаббатни,
Менинг изларимдан бор.

Бахт қилинмас ҳеч совға,
Бахт нурига қалбинг қор.
Меҳр қил инсонларга,
Менинг изларимдан бор.



УМИД

Қийнамагин ўтинчинг билан,
Юрагингга солмагин ўтлар.
Яша севинчли дамлар билан,
Бошингда бор қувончли кунлар.


Ҳасратингни айта қол менга,
Дўстман сенга ёки дугона.
Яширмагин, айтақол менга
Ёнгинангда бўлмай бегона.



ЁМҒИР

Осмон, тўкма кўз ёшларингни,
Юрагимни, ўртама, ёмғир.
Кўксимга қўйгил бошларингни,
Сен ҳам бир бор бу қалбимга қир.

Йиғламагин, юпатай, ёмғир,
Қалбда ёниб яшамоқ ишқи.
Дардинг олай, дардкашим ёмғир,
Таскин излар бир юпанч ишқи.





МЕН СЕНИ КУТАРМАН

Ойлар ўтсин, йиллар ўтсин,
Лек мен сени кутарман.
Ўтаверсин майли, кунлар,
Соғинч-ла шеър битарман.

Бўлди қаро ёруғ олам,
Сенсиз уни нетарман.
Алам бўлди кўзда шабнам,
Ҳамон сени кутарман.

Юрагимни ўртайди дард,
Теккизмасман ҳеч сенга гард,
Ишқда бўлиб чинакам мард,
Албат сени кутарман.



КУТИШ

Онасиз ўсган бола тилидан

Онажоним, жоним онам, нега ташлаб кетдингиз,
Мендан йироқ кетиб, айтинг, не мақсадга етдингиз.
Кўзим очиб бу дунёда она меҳрин билмадим,
Сизни ўйлаб кечалари кўзга уйқу илмадим.

Қалбим вайрон, юрагимда гуллайди ҳар кун армон,
Армонлардан бу танимда қолмади зарра дармон.
Кўзларимни қувонч эмас эгаллаган маъюслик,
Кеча-кундуз қалбгинамни кемиради ёлғизлик.

Тушларимда онажоним, пешонамни силайсиз,
Болажоним, дея менга фақат бахтлар тилайсиз.
Уйғониб сўнг тополмагач аччиқ-аччиқ йиғлайман,
Гуноҳим не, дея йиғлаб бағиргинам тиглайман.

Наҳот энди шу зайлда ўтаверар кунларим,
Алмашмасми оппоқ тонгга қора, зулмат тунларим.
Бўлса ҳамки қанча мушкул сизни мудом кутарман,
Дийдорингиз насиб этиб, муродимга етарман.




ҲАЁТГА БОҚ МЕҲР-ЛА

Кимдир айтди, ҳаётда яшайман мен шунчаки,
Кунларим ўтар бир хил саҳардан то кечгача.
Бугун, эрта, индинга нималар бўлса ҳамки,
Барин кечирдим бошдан, кўринади юзаки.

Ҳаётдан тўйиб кетдим, зерикаман мен дейди,
Юрагин босиб захга меҳр кўрмадим дейди.
Эй, инсон меҳрни сен хоҳласанг меҳр бергин,
Ҳаётга ғамгин боқсанг, кўринар сенга ғамгин.

Бошинг узра кўк осмон, чақнаган қуёшга боқ,
Яшил боғлар, мовий тоғлар, қир-адирларга боқ.
Далаларда оқ пахта, хирмонларда бугдойдир,
Бу манзара бир лаҳза ташвишинг айлар йироқ.

Ҳаёт қандай чиройли, қара, қандай сеҳрли,
Бўлса ҳамки ташвишли, лекин жуда ёқимли.
Меҳр кўрмадим дема, ўзинг бергин меҳрни,
Шунда бир кунмас бир кун бўлажаксан сеvimли.



ЮРАК, СЎЗЛАМА...

Айтгил, менга юрак, неларни истайсан,
Қай юлдуз, манзилга боргин дея қистайсан.
Фақат ақл ила ташланган қадамда
Кўрина бошлайсан, менга дўстдайсан.

Юрагим, юраккинам, садо берма менга,
Эшитмам сени, йигласанг-да кеч.
Ақл ила иш тутиш керак, шунда
Ҳаётимни армон этолмас нотинч.



БАҲОР ҚАЙТМАЙДИ

Мен сизнинг қўлингизда хорман,
Ўзга бир юракда ширин армонман.
Олис юлдузлар менга зорлар,
Олиб кетинг мени, оққушлар.

Гулим, деб ҳажримда ёнганлар
Бир нигоҳимни ҳар куни пойлар.
Топилмасми менга бошқаси,
Қадрим ожиз бир гул новдаси.

Қалбим нозик, айтолмасман
Кўз ёшим йўқ, йиғлолмасман.
Дилим оғритиб, хурсанддирсиз
Бахт қушидек қунолмасман.

Баҳор изи қорга тўлгандир,
Музлаб борар замин-ҳижрон-ер.
Бўлиб олдим қиш маликаси,
Канизагим музлаётган шеър.



Юлдуз

Осмонда чақнади кичкина юлдуз,
Сенга етолмасман дея ачиндим.
Шунда ерга тушди мана, мен қундуз,
Чексиз севингандан унга югурдим.

Юлдуз билан мағрурланиб юрардим,
Уни севаман деб ҳамон ўйлардим.
Кўқларга кўтариб хаёл қилардим,
Уни ёмонлашса хафа бўлардим.

Йўқ, бу юлдуз эмас у бир қора тун,
Юлдуз бўлиб қамаштирар кўзингни.
Уни кимлигини билганда бир кун,
Афсусларим қийнаб тилди дилимни.

Осмондаги юлдуз менинг орзуим,
Ўзим ҳам осмонда учарман гўё.
Эй, пастга туш, дея бузди хаёлим,
Орзуим истардим бўлишин рўё.

Орзуга айб йўқ дейишар ҳамон,
Мендай хаёлпараст бўлиш ҳам ёмон.
Орзуим чилпарчин бўлиб синди ва,
Юрагим тубида уйғонди армон.

МУНДАРИЖА

Инсон.....	3
Сирдошим – баҳор	4
Ҳаёт.....	5
Унутма.....	6
Умид.....	7
Ёмғир.....	8
Мен сени кутарман.....	9
Кутиш.....	10
Ҳаётга боқ меҳр-ла.....	11
Юрак, сўзлама.....	12
Баҳор қайтмайди.....	13
Юлдуз.....	14

АДАБИЙ-БАДИИЙ НАШР

Ирода ШОЙМАРДОНОВА

СИРДОШИМ - БАҲОР

Шеърлар

Мухаррир: Ш.Пирматова.
Техник муҳаррир: Ч.Раҳмонов
Мусахҳиҳа: Ш.Пирматова.

ИБ 1010

Теришга 23.02.2006 йилда берилди. Босишга 02.03.2006 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂. Шартли босма тобоғи 0,84. Шартли бўёқ-оттиск 0,90. Нашр босма тобоғи 0,51. 10-2006-шартнома. 12 -бўрутма. 100 нусхада. Эркин нархда.

«Насаф» нашриёти, 730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси ҳузуридаги «Матбаа» цехида чоп этилди.

730018. Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.